O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 28-avgust • Seshanba • 104-105 (27.750) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Самимий қутловлар

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқимиз номига хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, чет эллар жамоатчилик, сиёсий ва илмий доираларининг таниқли намояндалари, маданият ва санъат арбобларидан табрик мактублари келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам ўз табрик мактубини йўллади. Унда қуйидаги сатрлар ўз ифодасини топган:

«Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Қутлуғ сана — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан самимий табригимни қабул этгайсиз.

Цивилизация ривожида бу шаҳар ҳақли равишда ўзининг ноёб ўрнига эгадир. Афсонавий тарихий воқеалар, улуғ давлат арбоблари, мутафаккир ва меъморларнинг номи Самарқанд билан боғлангандир. Бу ерда Амир Темур давлатига асос солинган, Мирзо Улуғбек ўзининг фундаментал илмий кашфиётларини рўёбга чиқарган. Меъморий ёдгорликларнинг гўзаллиги ва улуғворлиги шоирлар — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийларга илҳом бахш этган.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда кўҳна Самарқанд келажак сари интилмоқда, у изчил ривож топмоқда, яна ҳам кўпроқ улуғворлик ва гўзаллик касб этмоқда.

Стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган Россия — Ўзбекистон муносабатларининг замонавий, сифат жиҳатдан янги босқичи айнан шу шаҳарда бошланганини қайд этмаслик мумкин эмас. Бизнинг 2003 йили меҳмондўст Самарқанд заминидаги учрашувимизни, шаҳар аҳлининг самимий ва дўстона қабулини доимо илиқлик билан ёдга оламан.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизни, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, қадрдон шаҳрингизнинг юбилейи билан яна бир бор чин қалбимдан қутлайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат аҳамиятига молик фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман. Самарқандликларга ҳамда кўпмиллатли дўст Ўзбекистоннинг бутун халқига эса бахт, тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН»

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура ўз табрик мактубида, жумладан, шундай ёзади: «Мен ўзимнинг ўтган йили сентябрда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифимни, шунингдек, ўз иштирокимда жорий йилнинг май ойида Париждаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари юбилейларига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимлар билан боғлиқ самимий ва илиқ хотираларни асраб-авайлаб ёд этаман.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси қарорларига асосланган ҳолда инсоният цивилизациясининг энг кўҳна марказларидан бири — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан қутловларга бутун жаҳон ҳамжамияти қўшилишидан хабардор этишни истар эдим».

«Шарқ тароналари» — 2007

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ РИВОЖ ТОПГАН ЮРТ

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу сафар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари билан бир пайтда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга.

Мазкур фестивалда дунёнинг 51 мамлакатидан хонанда ва созандалар қатнашаётир. Улар ижросидаги қуй ва қўшиқлар, жозибадор рақслар ҳар куни Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик», «Сўғдиёна» маданият ва истироҳат боғларида намойиш этилмоқда.

Тадбирлар чоғида ЎзА мухбири фестивалнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

Ким Кинг Хи (Жанубий Корея):

— «Шарқ тароналари»нинг қамрови, нуфузи ва аҳамияти, Самарқанднинг бетакрор гўзаллиги ва тарихий обидалари ҳақида аввалги фестивалларда иштирок этган ҳамюртларимдан эшитган эдим. Ушбу анжуманда қатнашар эканман, Самарқанд ҳақидаги, фестиваль ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Ўзбек халқининг нақадар бағрикенг, меҳмондўст ва санъатсевар эканига яна бир карра амин бўлдим. Бу шаҳарда ўтган кунларим умримнинг ёрқин саҳифаларига айланиб қолади.

Гулмира Адирбаева (Қирғизистон):

— Мустақиллик йилларида Самарқандда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бизни лол қолдирди. Шаҳарнинг муҳташам Регистон майдонида турли миллат ва элат оҳанглари қатори қирғиз халқининг қуй-қўшиқлари ҳам ижро этилаётгани қалбимни ҳаяжонга солмоқда. Фестивалга «Дард ўтди» халқ қўшиғи, «Манас» достонидан парчалар, халқ лапарлари ва ўланларини тайёрлаб келганмиз. Дастурларимиз фестиваль иштирокчилари ва самарқандликларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Юнус Ажи Абубакар (Малайзия):

— Аввало, шундай катта фестивални ташкил этган Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик изҳор этамиз. Бизнинг юртимизда Ўзбекистонга қизиқиш, интилиш жуда катта. Бу санъат анжуманлари эса халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Биз бу заминда аждодлар меросини асраб-авайлаш, тарихни ўрганиш, санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига яна бир бор амин бўлдик. Фестиваль дастури ҳаяжонли ва унутилмас таассуротларга бой бўлмоқда. Айтишим мумкинки, «Шарқ тароналари» Самарқандга муносиб фестиваль экан.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

6-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Алимов Фарҳод Ғуломович — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Аминов Собиржон Ниғматович — Тошкент фармацевтика институти кафедра мудири

Асроров Асқархон — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси профессори

Маликов Восит Маликович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти бўлим мудири

(Давоми 2-бетда)

Мустақиллик имкониятлари

«ЎЗБЕКИСТОН» МУҲРИ БИЛАН

Эсингизда бўлса, 2002 йилнинг 15 август куни Шўртан газ-кимё мажмуида илк бор полиэтилен грануллалар олинганди. Беш йил орасида жаҳон бозорида Ўзбекистон полиэтиленининг нархи 501 доллардан 1296 долларга кўтарилди. 2004 йилда у Швейцариянинг Женева шаҳридаги «FEBP» халқаро жамғармаси ва АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган «Сифат саммити» олтин медалларига сазовор бўлди. 2005 йил бошида корхонага халқаро сифат сертификати берилди.

5 ЙИЛДА 50 0000 ТОННА ПОЛИЭТИЛЕН

Бугунги кунда машҳур «Балтимор» ва бошқа кўпгина компаниялар озиқ-овқат ишлаб чиқаришда қадоқлаш материали сифатида корхона полиэтиленидан фойдаланмоқдалар. Эрондаги «Makarrar Engineering Matetiais» компанияси корхона ишга тушган йилдаёқ 50 тонна полиэтилен харид қилди. Шу кунгача корхонада 500 минг тоннадан ортиқ полиэтилен ишлаб чиқарилди. Дунёнинг турли мамлакатларига сотилган маҳсулот қиймати 285 миллион 594,5 минг доллардан ошиб кетди.

Корхона маҳсулоти ҳозир мамлакатимизда кенг ишлатилмоқда. Масалан, «ЎзКорам Ко» қўшма корхонаси «Шўртан газ-кимё» маҳсулотларидан «Нексия» машиналари учун буферлар ишлаб чиқараяпти. «Андижонкабель» ҳиссадорлик жамиятида изоляция учун асосий хомашё ва катта-катта экинзорлару боғроғлар ва гулзорларга сув қувурлари ҳам шу — полиэтилендан тайёрланмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳридаги Учтепа туманида дарвозаси пештоқига «PAMUK TEKSTIL» деб ёзиб қўйилган масъулияти чекланган жамият корхонасига ҳеч кўзингиз тушганми? Истиқлол шарофати билан пойтахтимизда барпо этилган йирик хорижий тикувчилик-трикотаж корхоналардан бири у.

Аввало қисқача изоҳ: лойиҳага кўра ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион 280 минг дона кийим-кечаклар бўлган мазкур жамият ўтган йилнинг май ойида фаолият бошлади. Умумий майдони 5 минг, қурилган ва қурилаётган объектлари саҳни 3400 квадрат метр ҳажмида. Лойиҳа қиймати 372 минг АҚШ долларига тенг. Муассислари — туркиялик ҳамкорлар. 80 нафар ишчи кучи билан иш бошлаб, ҳозир уларнинг сони 160 кишига етди. Яқин орада бу кўрсаткич 2000 нафар бўлади...

Ҳа, келажакда ўзининг 95 фоиз маҳсулотларини ташқи бозорга экспорт қилишни кўзлаган жамият меҳнат аҳли бугунги кунда барча цехлар ва ёрдамчи иш участкаларини (100 фоиз чет эл сармоялари эвазига) замонавий технологик ускуналар, уларга зарур эҳтиёт қисмлар, монтаж ва созлаш жараёнлари жиҳозлари билан тўла бойитди. Япония ва Тайванда ишлаб чиқарилган энг сўнгги туркумдаги дастгоҳлар, тикувчилик, бичиқчилик, қадоқлаш машиналари келтирилди. Натижада ўтган бир йил (2006 йилнинг май ойидан 2007 йил май ойи) ичида жаҳон бозорига 1.600 000 АҚШ долларига тенг ҳажмда турли андозадаги кийим-кечак маҳсулотлари экспорт қилинди. Шартномага кўра, уларнинг асосий буюртмачилари Германия, Голландия сингари Европа мамлакатлари бўлди.

Энг муҳими, тайёрланаётган бу маҳсулотларнинг ёрлиқларига мустақиллик берган имконият — «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган муҳр босилмоқда.

Замон АЛИ

Суратларда: *корхонанинг илғор тикувчиси Гулчеҳра Илҳомова; моҳир бичиқчилар — Мухлиса Имомова билан Зулфия Аҳророва.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Расулов Абдуғафур Раҳимович — Ўзбекистон Миллий университетининг жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Матлуба Дадабоева (Халилова Мавлуда) — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Баҳромов Икром — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Юнусов Маҳаматали Юсупович — «Уста Юсуфжон наққош» хусусий корхонаси ёғоч ўймакор устаси

Қосимов Маҳмуджон Маъруфович — «Устазода» корхонаси ганч ўймакори

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Отемуратов Ғайратдин Қайипович — Қорақалпоғистон Республикаси Генжебай бахши номидаги «Мухаллес» дуторчилар ансамбли бадиий раҳбари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Деҳқонова Жамила Алимовна — Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри

Меналиев Эскандер Энверович — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик катта театри балет солисти

Назарбеков Озодбек Аҳмадович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Назаров Одилжон Фозилович — «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри созандаси

Султабаев Жалғасбай — Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри актёри

Султонов Нормўмин Намозович — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик катта театри опера солисти

Тиллаев Учқун Тўраевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Тожибоев Комилбой — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

Шодиев Эркин Хушмуродович — Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Шодиева Раъно Одиловна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Кодиров Абдумаъруф Вохидович — Республика Ёш томошабинлар театри актёри

Ҳамроқулов Самандар Рустамалиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

Олимжонова Зухра Йўлчибоевна — Ўзбекистон давлат санъат институти катта ўқитувчиси

Сон Светлана Михайловна — Қорақалпоғистон Республикаси 1-сонли «Меҳрибонлик уйи» директори

Тошмуродов Маҳамадиёр Эргашевич — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Усмонов Аббосхон — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири

Иванова Анна Витальевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати раҳбари

Ўтбосаров Икромжон — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Бобров Анатолий Андреевич — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи мутахассиси, график рассом

Дўстаев Турғун Деҳқонович — Ўзбекистон амалий санъат музейи директори

Жунайдуллаев Шавкат Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси режиссёри

Медюлянов Виктор Леонидович — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасининг камер оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри

Мирзаев Фурқат Жалилович — Самарқанд шаҳридаги 8-сонли маданият уйи ансамбли хонандаси

Кўчқоров Усмон Сатторович (Усмон Кўчқор) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Арифов Саидқосим Саидазимович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматовенерология илмий тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Борисова Елена Михайловна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Гадоев Абдуғаффор — Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш кафедраси мудири

Ибрагимов Азиз Йўлдошевич — Республика 1-клиник шифохонаси бош врачи

Собиров Жўрабой Марифбоевич — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош анестезиолог-реаниматологи

Умарова Азадхон — Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси бўлим мудири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Абдуллаев Ғайрат Ниғматович — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи

Аҳмеджонов Равшан Раҳматович — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг самбо бўлими бош мураббийи

Пўлатова Елена Леонидовна — Спорт яккакураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг аёллар самбо бўлими бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Матчонов Жасур Матёқубович — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Маҳмудов Дилшод Маҳамаджонович — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Расулов Элшод Юнусович — Марказий ҳарбий спорт клуби спортчи-йўриқчиси, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тангриев Абдулла Товашевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Хуббиева Гузель Шавкатовна — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг енгил атлетика бўйича спортчи-йўриқчиси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Атақўзиев Тимур Азим ўғли — Тошкент кимё-технология институти профессори

Аталиев Альберт Ервандович — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси мудири

Маҳмудов Орхон Сирожиддинович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий тадқиқот институти бўлим раҳбари

Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, академик

Убайдуллаев Абдулла Муҳаррамович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Пульмонология ва фтизиатрия илмий тадқиқот институти директори

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Аҳмедов Рафиқ Махсудович — Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Каримов Шавкат Ибрагимович — Тошкент тиббиёт академияси ректори

Лямина Татьяна Павловна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 5-болалар шифохонасининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири

Назаров Аноркул Мамадович — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, композитор

Саиджонов Ўлмас — М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбари

Тошболтаев Маҳамад Тожалиевич — Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Болтабоев Улуғбек Абдуллаевич — «Рассом» ижодий ишлаб чиқариш корхонасининг Андижон вилояти бўлими рассоми

Жумабекова Улбосин — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани марказий шифохонаси ҳамшираси

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бош илмий котиби

Иномов Собиржон — Тошкент вилояти «Пскент ҳаёти» газетаси бўлим муҳаррири

Исматиллаев Жўрақул — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 66-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, физика фани ўқитувчиси

Камолов Тўлаган Сирожиддинович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти лаборатория мудири

Каримова Сурайё Убайдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори

Мансуров Равшанбек Абдуназарович — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи

Маҳкамов Неъмат — Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти бўлим мудири

Муҳамеджонов Шожалил Шоҳодиевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

Норбўтаев Ўрозали — Сирдарё вилояти Боёвут тумани марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

Оринбаев Куанишбай Конисбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб директори

Расулов Олим Шукурович — Тошкент шаҳар ҳайвонот боғи раҳбари

Труженников Александр Иванович — Ўзбекистон Фанлар академияси «Академасбоб» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси етакчи муҳандиси

Шамсиддинов Комилжон Қамариддинович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Таҳлилнома» кўрсатуви шарҳловчиси

Элмуродов Каримали Садинович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали бўлим мудири

Яковлева Кира Константиновна — «Правда Востока» газетаси бўлим мудири

Ўнарбоев Аҳмаджон Маҳмудович — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Қутлимуратова Саражон Юлдашевна — Урганч давлат университети «Математик физика ва амалий математика» кафедраси доценти

Ғафуров Иброҳим Усмонович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос ва таржимон

Ғуломов Отабек Ўткирбекович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Ҳожиев Иззатулла Тўрақулович — «Бухоронома» газетаси агросаноат мажмуи масалалари бўйича бўлим муҳаррири

Ҳошимов Алишер Мухторович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририятининг катта муҳаррири

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўйган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Югай Александр — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалининг нейрохирургия бўлими мудири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аманов Алимжон — Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бўлим мудири

Бозоров Салим Ражабович — «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компаниясининг Бухоро бекати касалхонаси анестезиолог-реаниматологи

Болтабоева Гулсора Абдусатторовна — Андижон вилояти Олтинкўл туман марказий шифохонаси туғруқ комплекси доияси

Жуманиёзов Каримбой Жуманиёзович — Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 4-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Мажидов Фарҳод Қудратович — Жиззах вилояти Жиззах тумани Хаваслик қишлоқ врачлик пункти врачи

Муҳитдинова Мунаввар Зайнитдиновна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали болалар бўлими мудири

Рустамова Азизахон Адҳамовна — Марғилон педагогика коллежи тиббий билим асослари фани ўқитувчиси

Қодирова Замира Туроповна — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани марказий шифохонаси чақалоқлар бўлими мудири

Қўрғонов Алишер Искандарович — Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани Навоий қишлоқ врачлик пункти фельдшери

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Авазова Людмила Раҳмоновна — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 5-мактаб директори

Бендингер Маргарита Николаевна — Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси доценти

Бойбеков Аноркул Шеркулович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси

Варелас Анатолий Советович — Ўзбекистон давлат консерваторияси торли чолғулар кафедраси доценти

Жамолова Дилдора Абдуваҳобовна — В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори ўринбосари

Жўрабоева Тожихон — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Хадикент қишлоқ маданият уйи бадиий раҳбари

Каримов Озод Зарипович — Хоразм вилояти Хива «Ичан-қалъа» музей-қўриқхонаси фондининг бош сақловчиси

Орипов Дилшод Ҳакимжонович — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Сувонқулов Жониқул (Жонибек Субҳон) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тодерич Кристина Николаевна — Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Алланазаров Шавкат Абдухоликович — «Туркистон» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Аблоқулов Абдунайим — Тошкент автомобиль йўллар институти ўқув бўлими бошлиғи

Абсатторов Абдухолиқ — Жиззах политехника институти қошидаги академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси

Авулова Дилфуза Абдулвафоевна — Самарқанд шаҳар «Саховат уйи» ҳамшираси

Акбаров Хусанхўжа Каттахўжаевич — Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 30-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси

Асадуллахўжаева Умида Азизовна — Тошкент шаҳар 2-сон болалар «Мурувват уйи» директори

Ашуров Абдурасул — Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси телекўрсатувлар бўйича катта муҳаррири

Бабушкин Виктор Георгиевич — Андижон вилояти Олимпия захиралари спорт коллежининг сузиш бўйича мураббийи

Ботиров Абдураҳмон Рўзимбоевич — Сирдарё вилояти Ховос туман Бобур қишлоқ врачлик пункти мудири

Бўриев Луқмон Каримович — «Ёшлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи

Гуральский Михаил Абрамович — «Ташкентская правда» газетаси масъул котиби

Дўстов Тўйбой Расулович — Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси, миллий ғоя ва тарғибот маркази раҳбари

Жабборова Бибинор — Сурхондарё вилояти Денов туман марказий шифохонаси бўлим мудири

Зиёев Нортожи Ғаффорович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг Сурхондарё вилояти бўйича радио мухбири

Зуннунов Мардонбек Давронович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали бош телеоператори

Йўлдошев Ноибжон Кодирович — Андижон давлат университетининг «Жисмоний маданият» факультети декани

Калдибекова Анаргуль Сотбаровна — Тошкент давлат педагогика университетининг умумий педагогика кафедраси доценти

Каримова Мағпират Намозовна — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар «Саховат уйи» фарроши

Комилов Муродулла Жабборович — «Новости Кашкадарья» газетасининг фото мухбири

Лановенко Евгения Николаевна — Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтининг лаборатория мудири

Маллабоева Зоҳидахон — Наманган вилояти 1-сонли марказий шифохонаси терапевти

Маҳкамова Нафиса Ҳасановна — Алишер Навоий номидаги кино саройи киномеханиги

Мирсагатова Роза Абдуллаевна — Тошкент шаҳар 28-оилавий поликлиника ҳамшираси

Муродов Каримжон Кўчқорович — Наманган вилояти Чортоқ педагогика коллежининг математика ва физика фанлари ўқитувчиси

Муслимова Вазира Муқимовна — Тошкент тумани Навоий қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Мўминов Нозимжон Маҳмудович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Давр» ахборот дастурлари муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари

Мўминова Сайёра Акбаровна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кутубхоначиси

Наврўзов Ризоқул Жўрақулович — Бухоро вилояти Қоракўл туман эркаклар «Мурувват уйи» кичик тиббий ходими

Нажмиддинов Саидмуродхон Турсунович — Тошкент шаҳар эркаклар «Мурувват уйи» директори

Наумченко Татьяна Петровна — Тошкент вилояти Оҳангарон туман «Мурувват уйи» ҳамшираси

Норматова Мавжуда Каримовна — Навоий вилояти Хатирчи тумани А.Икромов қишлоқ врачлик пункти врачи

Радзивил Светлана Михайловна — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги спортчи-йўриқчиси

Сайидов Рамзиддин Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Саъдиев Рустам Мираҳмадович — «Давр-премьера» масъулияти чекланган жамиятининг постановкачи режиссёри

Сеитаббазова Мериём Иззетовна — Фарғона шаҳар «Саховат уйи» терапевт -шифокори

Сиддиқов Ҳабибжон — Андижон қишлоқ хўжалик институтининг маънавият тарғибот маркази раҳбари, ёзувчи

Смирнова Светлана Константиновна — Геология ва геофизика институти катта илмий ходими

Толибжонов Асқар Имомжонович — Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали директори

Туллабоева Муқаддасхон Баратовна — Фарғона вилояти Фурқат туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

Тўраева Робия Зиятовна — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 21-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Уразаев Дамир Адибович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

Утарова Роза — Хоразм вилоят болалар шифохонаси бўлим мудири

Харитонова Марина Владимировна — Навоий кон-металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройи «Соната» эстрада-рақс халқ ансамбли балетмейстери

Худойбердиев Карим Раҳмонбердиевич — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри саҳна ишчиси

Эшматов Илҳомжон Бўрибоевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон » телеканалининг Фарғона вилояти бўйича мухбири

Эшонқулов Зойиржон Аҳмадович — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси

Юдина Наталья Николаевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Дўстлик» радиоканалининг бўлим бошлиғи

Юнусалиева Абиба Анарбаевна — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг умумтаълим мактаб дарсликлари таҳририяти етакчи муҳаррири

Юсупова Муборак Эргашевна — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйининг муқова цехи муқоваловчиси

Ўлжабоева Сурайё Баҳромбековна — Ўзбекистон Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири

Ҳабирхонова Ўғилой Норқуловна — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 30-«Меҳрибонлик уйи» директори

Ҳусаинова Ҳалима — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 август

ЎзХДП ҳаёти

СИЁСИЙ ФАОЛЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ

ҳар иккаласи баробар олиб борилиши партия ишида юқори самарани таъминлайди, — дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ҳамда вилоят кенгашларида бўлиб ўтган семинарларда

Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари раҳбарларидан нафақат сиёсий етук бўлиш, балки молиявий соҳа, хўжалик фаолиятида ҳам оқилона иш юритиш талаб этилаяпти. Сиёсий партиялар устав фаолиятининг давлат томонидан молиялаштирилиши ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан бу маблағлар сарфланишини текшириш амалиёти юзага келгандан кейин, партия ташкилотларида ички аудитни кучайтиришга катта эҳтиёж туғилди. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати партия минтақавий, маҳаллий кенгашлари раислари, бош ҳисобчилари, тафтиш комиссиялари раҳбарлари ва аъзолари учун семинарлар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. ЎзХДП ташкил топганидан буён илк бор ўтказилаётган ушбу ўқувлар партия ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришга ажратилаётган давлат бюджети, бюджетдан ташқари партия ташкилотларининг ўз маблағларидан самарали фойдаланиш, уларда юксак даражада молиявий интизомни таъминлаш, молиявий ҳисоб-китоб юритишда ҳисобот тартибига қатъий риоя қилиш, кўчмас мулк ва моддий-техник ресурсларни асраб-авайлашда тафтиш комиссияларининг масъулиятини ошириш масалаларига бағишланаяпти.

Хоразм вилоятида бўлиб ўтган ўқувда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда мавжуд камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, тафтиш комиссиялари бажариши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров маъруза қилди. Шунингдек, вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси ўринбосари Машҳура Ҳожибоева, партия Марказий тафтиш комиссияси аъзолари Ўктамбой Сабиров ҳамда Дадабой Дурдиевлар ўз сўзларида тафтиш комиссиялари фаолиятини янада жонлантириш, самарадорлигини ошириш, ички аудит тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада масъулиятни кескин ошириш лозимлигини таъкидладилар.

Қашқадарёда бўлган ўқувда вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртазоев партиямизда молиявий-хўжалик ишларининг самарали бўлишини таъминлашда тафтиш комиссиялари фаолиятини тўғри ташкил этишнинг катта аҳамияти борлигига диққатни қаратди. Ўзбекисон ХДП вилоят ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Даврон Жўраев тафтиш комиссиялари олдида турган вазифаларга тўхталди.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси Комила Каромова, Ғузор туман кенгаши раиси Рўзи Холманова. Миришкор туман Кенгаши раиси Панжи Бобоев ва бошқалар молиявий интизомни мустаҳкамлашда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланишни таъминлаш, ўз-ўзини назорат қилишни мунтазам йўлга қўйиш масалалари тўғрисида сўз юритдилар.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов қатнашди ҳамда олдинда турган муҳим вазифалар ва уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича қилинадиган ишлар тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида бўлиб ўтган семинарда партия кенгаши раиси Атаулла Асанов маъруза қилди. Келгуси йилдан бошлаб кучга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун партиямиз Устав фаолиятининг кўплаб йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашни, такомиллаштиришни талаб этади, — деди у. — Бу молиявий хўжалик фаолиятининг самарадорлиги, маблағни ишлатиш, фойдаланиш тартибини мустаҳкамлаш, кўчмас мулк ва моддий техник-ресурсларни тўғри бошқариш, назорат-тафтиш фаолиятини изчил йўлга қўйиш билан боғлиқ.

Наманган вилоятида бўлиб ўтган семинар иштирокчилари мавжуд мулкка эгалик қилиш, тасарруф этиш, асраб-авайлаш, давлат бюджетидан, хўжалик ҳисобидан ҳамда аъзолик бадалларидан тушаётган маблағларни қонуний тартибда аниқ ва тўғри йўналтириш масалаларида фикрлашдилар. ЎзХДП Марказий тафтиш комиссияси раиси Сирожиддин Аъзамов, вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев, вилоят кенгаши тафтиш комиссияси раиси Мўминжон Асранбоевнинг маърузаларида ҳам ана шулар хусусида фикр юритилди.

Улар партиянинг аҳоли орасидаги обрўсини ошириш масалалари кўп ҳолларда маблағ билан боғлиқлиги, бу эса фаолиятда молия-хўжалик ишларига жиддий ёндашишни талаб этишини таъкидладилар. Бу борада ички аудит характерига эга бўлиши керак бўлган тафтиш комиссиялари ролини кескин ошириш бўйича таклифларини билдирдилар.

Худди шундай семинарлар Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Андижон вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

Фракция фаолияти

«ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

МИЛЛИЙ ДАСТУРИ» ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛАЯПТИ

Мамлакат ривожланиши ва ўтказилаётган ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданий даражасига боғлиқ. Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ҳамда ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруратидан келиб чиқиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни қабул қилган эди. Куни кеча Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси томонидан ташкил этилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш — давр талаби» мавзуидаги давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ушбу дастур доирасида шу вақтга қадар амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва олдинда турган муҳим вазифаларни муҳокама этдилар.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, ўқув юртлари учун ҳуқуқий таълим-тарбияга оид ўқув дастурлари ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқиш, юридик адабиётлар нашр қилишни кўпайтириш, шунингдек, фуқароларнинг турли масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам олишида муҳим роль ўйнаганини алоҳида таъкидлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдумажид Раҳимовнинг маърузасида юксак ҳуқуқий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга, истиқболни кўзлаб ўз олдига вазифа қўйиб, уни ҳал этишга қодир авлодни тарбиялаш тараққиётнинг муҳим шарти эканлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, республика Адвокатлар ассоциацияси раиси Баҳром Саломов, «Оила» илмий-амалий маркази директори Васила Каримова, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдуғаффор Қирғизбоев, республика таълим маркази бўлим мудири Наргиза Исматова ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар мазкур дастур асосида аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, юридик маслаҳат тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий таълим соҳасига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мутахассислар ва олимларни кенг жалб этиш зарурлигини таъкидладилар. Бу вазифаларни бажаришда ЎзХДП ташкилотлари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари, Жамоатчилик қабулхоналарининг алоҳида ўрни бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Когон туман кенгаши саъй-ҳаракати билан «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий дастурига асосан қатор хайрли тадбирлар амалга оширилаяпти. Туман кенгаши ташаббуси ва ҳокимликнинг қўллаб-қувватлаши билан Мустақиллик байрами арафасида Когон бош бекатидан Катта оргун, Хўжа-якшаба, Сиёзпоён, Туткунда, Нурафшон йўналишлари бўйича 5 дона микроавтобуслари қатнови янгидан йўлга қўйилди.

— Аҳолига бу йўналишлар бўйича «Шоҳижаҳон РНД» фирмаси жамоаси хизмат кўрсатмоқда, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Шуҳрат Ёдгоров. — Автобусларда йўловчиларга айрим имтиёзлар ҳам ҳисобга олинган. Бошқа транспорт воситаларига нисбатан йўлкиранинг икки ҳиссага арзонлашгани, бу электоратимиз манфаатларига жуда мос келади.

Дарвоқе, бу йўналишда ҳаракат қилаётган микро автобус ҳайдовчилари — ХДП хайрихоҳлари Саид Чориев, Бобур Ҳайдаров, Тўра Файзиевлар ҳозирданоқ эл ҳурматига сазовор бўлишмоқда. Фирма раҳбари Шавкат Исоқовнинг таъкидлашича, йил охиригача яна бошқа йўналишлар бўйича ҳам автобуслар қатнови йўлга қўйилади.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

«ВАТАНИМДАН ҚАРЗИМ КЎП»

— дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза МАҲКАМОВ.

Мустақиллик — Ўзбекистонни дунёга танитди. Истиқлол — мамлакатимизни жаҳон саҳнига олиб чиқди. Ўтган 16 йилда юртимизда беқиёс ва оламшумул ишлар амалга оширилгани, шубҳасиз. Қай бир соҳада бўлмасин, янгиланиш, ривожланиш, ўсиш жараёнини кўриш мумкин.

Ана шундай шукуҳли кунлар арафасида юртимиз жанубида тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг фойдаланишга топширилиши нафақат икки қўшни — Сурхон ва Қашқа воҳаси халқи, балки, барча юртдошларимиз учун ҳам катта шодиёнага айланди.

Мазкур янги темир йўл қурилишининг тантанали очилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Ушбу иншоот, аввало, ягона темир йўл тизими яратилишига имкон яратган бўлса, иккинчидан, жанубий воҳаларнинг ривожланиши, ер ости ва ер усти конларини ўзлаштириш, коммуникация тизимини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, аграр соҳа ривожи ҳамда кўплаб турар жой бинолари барпо этишда ҳам муҳим ўрин тутади. Бир сўз билан айтганда, у мамлакатимиз жанубий ҳудудининг янада барқ уриб ривожланишига пойдевор бўлади.

Биласиз, яқинда Президентимиз Фармони билан «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ишчи-хизматчилар мамлакатимизнинг юксак унвонлари билан мукофотланди. Улар орасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти Ҳамза Маҳкамов ҳам бор. Ҳамза акага Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, темир йўл транспорти соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл қурилишидаги фидокорона меҳнатлари учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Ҳа, бугун Денов туманидаги «Шомоли» маҳалласи аҳли қўшалоқ тўйни нишонлашмоқда. Ҳамза Маҳкамов хонадонига уни қутлаш учун ҳамкасблари, маҳалладошлари ҳар куни келишмоқда.

— Ростини айтсам, хурсандчиликдан ҳозиргача ўзимга келолганим йўқ, — дейди Ҳамза Маҳкамов. — Тўғриси, аввалига ишонмадим. Мамлакатимизнинг энг юксак унвони — Ўзбекистон Қаҳрамон бўлиш осонми? Хурсанд бўлиб, худди ёш боладай энг аввало, 82 ёшли волидаи муҳтарамам олдига чопдим. Онаизорим севинчдан йиғлаб юборди...

Бутун бир юртнинг қаҳрамони деб эътироф этилишнинг масъулияти ҳам катта, албатта. Ўша куни тўғриси, туни билан ухлай олмадим ҳисоб. Болалигим, темир йўлда иш бошлаган кунларим ёдимга тушди. Мен нима иш қилдим-ку бунчалик катта мукофотга сазовор бўлдим, деб ўйладим. Ич-ичимдан бир нарсани ҳис қилдим. Ватанимдан қарзим кўп. Токи куч-қувватим бор экан, халқимиз, юртимиз учун чин юракдан хизмат қиламан.

...2007 йил ҳаётимда қувончларга бой бўлди, — давом этди у. — Биринчидан, биз ҳар йили интиқлик билан кутадиган энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 16 йиллик тўйи. Иккинчидан, мамлакат тарихида ўзига хос юксак ва залворли иншоот — янги темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши. Биласизми, қисқа давр — 33 ойда битказилган қурилиш энди халқимизга умрбоқий хизмат қилади. Қишнинг аёзли совуғи, саратоннинг жазирамасида меҳнат қилган темирйўлчи, кўприксоз, ҳайдовчи барча-барчага раҳмат... Ана шундай алпомишлар шижоати, қаҳрамонона меҳнатлари туфайли юртимизда ўзига хос янгилик яралди.

Кези келганда яна бир гапни айтиб ўтай: шу йилнинг июль ойи охирлари эди. Темир йўл туташувига бир неча километр қолган, уч минг нафардан ортиқ киши уч сменада меҳнат қилишаётган, 500 та техника тиним билмаган кезлар... Асосий мақсад — қурилишни қисқа фурсатларда якунлаш... Ҳар икки тараф — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари томонидан пўлат излар ётқизилмоқда. Биз машинистларнинг орзуимиз туташувдаги сўнгги пўлат изни қўйиш эди. Ана шу бахт менга насиб этди. 30 июлга ўтар кечаси соат 24 ларда темир йўлнинг «олтин ҳалқачаси» уланди...

Темир йўл қурилишининг тантанали очилишида Президентимиз билан учрашиб, бир умрлик фахрга тўлдим. Айниқса у киши мени бағирларига босганида кўзларимдан ёш чиқиб кетди...

— Жамоамиздан 5 нафар ишчи мамлакатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлди, — суҳбатга қўшилди 166-йўл машина станцияси раҳбари Азамат Донаев. — Ҳамза ака Ўзбекистон Қаҳрамони, Юсуф Зияев ва Миновар Маллаевалар «Фидокорона хизматлари учун» ордени нишондори, йўл таъмирловчи Холмўмин Хўжамуродов «Меҳнат шуҳрати», Эргаш Саидов эса «Дўстлик» ордени соҳиблари...

— Шу соҳада 28 йил меҳнат қилдим, — дейди «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибаси Миновар Маллаева. — Бу унвонни мен жамоамиз ютуғи деб биламан. Бу қувонч, бу қўшалоқ байрамлар барчамизники...

...2003 йилда мазкур темир йўлнинг 2-босқичи бошланганди. Қаҳрамонимиз Ҳамза Маҳкамов билан 160 километрдан ортиқ пўлат из ётқизишда қатнашдик. Ҳар бирининг узунлиги — 25 метр, оғирлиги 18 тонна келадиган темир йўл рельсларининг қанча-қанчаси юкланди, туширилди... уларнинг ҳисоби йўқ...

Суҳбатимизни «Шомоли» маҳалласилик кекса ўқитувчи Абдураҳмон Қодиров якунлади: «Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳамза Маҳкамов оиласини яхши биламан. Отаси раҳматли Ҳайит ака ҳам бамаъни, дилкаш инсон эди. Ҳамза ана шу ҳалол, покиза оилада ўсди... Йиллар ўтиб, мана, қишлоғимизга обрў олиб келди. «Шомоли» маҳалласидан Қаҳрамон чиқди... Ҳаммамиз учун катта фахр бу...»

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Жўрақул ТУРСУНОВ
журналист.

Суратларда: Ҳамза Маҳкамов ҳамкасблари ва ўз оиласи даврасида.

ЎзХДП туман кенгашларида

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганига ҳам мана бир йил бўлди. Жойларда ЎзХДП ташкилотлари томонидан мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда, ижобий тажрибалар тўпланмоқда.

«МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ,

шарафли масъулият, буюк имконият!»

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Партия фаоллари вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири яқинда Янгиариқ туманида бўлиб ўтди. Вилоят партия фаоллари туманнинг қишлоқ ва маҳаллалари, ўқув муассасаларида бўлиб, фахрийлар, хотин-қизлар, ёшлар иштирокида **«Мустақиллик — олий неъмат, шарафли масъулият, буюк имконият»!** мавзуида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказдилар. Тадбир давомида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнига, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Туманда аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Яқинда Гулобод қишлоғида қаровсиз ётган бинода «Мухтор-Бехруз» фирмасига қарашли гилам тўқиш цехи ташкил этилиб, 40 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Бу ерда ўтказилган учрашув давомида ишчиларга яратилаётган шароитлар, маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва савдони ривожлантириш масалаларига эътибор берилди.

— Туманимиздаги бунёдкорлик, ободончилик ишларида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг муносиб ҳиссалари бор, — дейди туман партия кенгаши раиси Раҳимахон Машарипова. — Туман ҳокимлиги, бошқа мутасаддилар ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Жойларда ўтказилган учрашувлар давомида амалга оширилаётган бунёдкорлик ўзгаришлари, мустақиллик берган неъматлар хусусида фуқаролар ўз фикрларини билдирдилар, шунингдек, келажакда амалга ошириладиган муҳим ишлар ҳақида таклифларини айтдилар.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Умрбоқий қадрият

БИР БУРДА НОН ҲИКМАТИ

Яқинда бир дўстимнинг тўйи баҳонасида йиғилдик. Ўртоқларимиздан бири нон ушатиб, дастурхонни тузай бошлади. Шунда кекса отахон насиҳатомуз гап қотди:

— Нонни кўп ушатманг ўғлим, қотиб, ейилмай қолади.

— Нон одамдан азизмиди, — деди ўша дўстимиз киноя оҳангда. — Тўйга келган тўйиб кетади-да бува!

— Тўғри айтасиз болам, — деди кайвони. — Инсондан ҳеч нарса азиз эмас. Аммо уни азиз қиладиган фазилатлари бор. Бор экан деб нонни, таомни исроф қилиш ярамайди. Бир бурда нонга етолмай, ҳаётдан узилиб кетганлар ҳам бўлган. Мен нонни эҳтиёжга яраша ушатиб, истеъмол қилсангиз, демоқчийдим, холос...

Отахоннинг гапини тинглар эканман, амаким — ёши тўқсонни қоралаб бораётган Мажид бобо Хидировнинг айтганлари эсимга тушди. «Урушда қон кечиб юрганимда, уйдагиларни ўйлардим, аскарлик улушидан орттириб қишлоғимга совун жўнатганман. Онам совунни нонга алмаштирганлару, укаларимга насиба бўлган. Бугунни қаранг, донимиз, нонимиз ўзимизники, шу тупроқнинг тенгсиз неъмати».

Яқинда Яккабоғ туманида фермер Зоир Умаров билан учрашиб қолдим. У олдинги йили тумандаги Бойқул Худоёров номли ширкат хўжалиги қайта ташкил этилганида танловда қатнашиб, 16 гектар ернинг эгаси бўлди. Ўтган йили ғалласи яхши бўлди, пахта режаси 158 фоиздан ошди. Фермер хўжалиги 10 миллион сўм соф фойда олди.

— Бу йил 9 гектар ерда уруғлик буғдой етиштирдик, — дейди Зоиржон. — Шартномадагидан ошиқча жами 30 тонна дон сотдик.

Зоиржон бу йил воҳада дон етиштирган салкам 16 минг фермернинг биттаси. Уларнинг меҳнати билан 360 минг тоннага яқин дон мамлакат хирмонига тўкилди. Бу борада энг юқори натижа Яккабоғ туманиники бўлди. Аммо бу йилгидек ниҳоятда қулай об-ҳаво шароитида ҳам мўлжалга етолмаган деҳқонлар бўлди. Бунинг сабаби нимада? Биров уруғда, биров буғдой ниҳоллари яхши чанглана олмаганида, биров тупроқ ҳориган, дейди. Мутахассисларнинг фикрича, бу фикрларда жон бор. Айниқса, ерга ҳадеб бир хил экин экилаверса, ҳосилдорлик пасайиб кетади. Аммо алмашлаб экиш тўлиқ йўлга қўйилмаса, тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳақиқий илмий-амалий тавсиялари жорий этилмаса, мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин эмас. Ахир ер ҳам чарчайди.

Бу ўйларнинг ҳаммаси бир бурда нон қадри ҳақида бобо айтган сўзлар таъсирида кўнглимдан ўтди. Бир бурда нон қадри... Унинг ҳикмати кўп нарсани англатади. Буни ҳеч вақт эсдан чиқармаслик лозим, деб ўйлайман.

Юнус УЗОҚОВ

Мустақиллик: ҳуқуқий ислоҳот

НИЗО ҲАЛ ЭТИЛИШИДА САМАРАЛИ УСУЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йилда бўлиб ўтган навбатдаги ўнинчи ялпи йиғилиши давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётига дахлдор қатор муҳим қонунларнинг қабул қилиниши билан тарихий воқеликка айланди. Ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонундир. Табиийки, бу одилликка асосланган суд тизимини янада эркинлаштиришга хизмат қилади.

Тарихдан маълумки, ҳакамлик судлари илк бора XVII аср охири ва XVIII асрнинг бошида Англия ва Францияда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда Европада кенг тарқалган. Ҳакамлик судлари юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги иқтисодий низоларни кўриб чиқади. Унинг умумий юрисдикция ва арбитраж судларидан анча афзаллик томонлари бор. Бу аввало, ҳакамлик судлари маъмурий тарзда эмас, балки ихтиёрий шаклда тузилиб, ўзаро келишмаётганларнинг ҳолатини тез, адолатли ва самарали ҳал этишга ёрдам бериши даъвогар томонлар ўртасидаги яхши муносабатни сақлаши билан изоҳланади.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан хўжалик процессуал кодексига ҳам бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Айниқса, кодекснинг 20^1-20^2-боблари мукамаллаштирилди. 20^1-бобда хўжалик суди томонидан ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар юритиш тартиби ифодаланган бўлиб, у ўз ичига 155^1, 155^5-моддаларни қамраб олган. Мазкур моддалар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш, мазкур қарорни бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига оид қоидаларни, аризани кўриб чиқиш тартибини, ҳал қилув қарорини бекор қилиш асосларини, хўжалик судининг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги иш бўйича ажримини чиқариш тартибини ўзида акс эттирган. Хўжалик процессуал кодексига киритилган бу ўзгартиришларга мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг хўжалик судига таллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан 30 кун ичида хўжалик судига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

20^2-боб ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишларни юритиш тартибини белгилайди. У ўз ичига 155^6-155^{10}-моддаларни қамраб олган бўлиб, уларда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари, бу қарорни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни, қарорни мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби, ижро варақаси беришни рад этиш асослари ҳамда хўжалик судининг ижро варақаси бериш ҳақидаги иш бўйича ажрим бериш тартиби ифодаланган.

Мазкур бобда белгиланган қоидалар агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори белгиланган муддатда ихтиёрий ижро этилмаган бўлса, у мажбурий ижро этилиши лозимлигини назарда тутади ҳамда ҳакамлик судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Хўжалик процессуал кодексига киритилган 155^7-моддада ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли, мазмуни, аризага илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар ҳамда тақдим этилиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

Киритилган 155^8-моддага асосан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. 155^9-моддада эса ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этишнинг асослари рўйхати қатъий равишда белгиланган. Ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза бўйича ишни кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқланган ҳолатларни текшириш ёхуд қарорни мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бу қоида ҳам ҳакамлик судларининг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Хўжалик процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги «Ҳакамлик суди тўғрисида»ги қонунга тўлиқ мос келади. Улар мазкур қонуннинг амалда ижро этилиши механизмини таъминлайди.

Эгамберган КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва Хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК АЙРИЛИҚ

(Таниқли адиба Холида Аҳророванинг «Изларини излайман» асарини ўқиб, кўнгилдан кечган ўйлар)

... Ўшанда у мурғаккина қизалоқ эди.

Отасини номаълум кишилар олиб кетганларидан сўнг, ҳафталар ўтса-да, келавермагач, онасидан «қаёққа кетганлар?» деб сўрагани, «командировкада» деган жавобдан таскин топгани, бироқ ойлар ва йиллар ўтиб ҳам қайтмагандан кейин «нахот шунчалар узоқ экан у жой?» дея тинимсиз ўйлайвергани...

Ҳамма-ҳаммаси эсида!

Оғир йилларда онаси Вазирахон 25 ёшидаёқ эридан тириклайин ажралди. Тўрт етимни оёққа турғазганича кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Икки ўғлидан бевақт айрилиши дард устига чипқон бўлди.

Орадан олтмиш йил ўтиб у отасидан тасодифан хабар топади. Билсаки, шунча вақт интиқ бўлиб кутган кишиси ўша кезлардаёқ машъум қатағон қурбони бўлган экан!

У ҳужжатгоҳлар томон йўл олди.

Доғ тегиб хиралашган рақамларга кўз тикди, тушуниб бўлмас ёзувларни ўқиди, рангини йўқотаёзган суратларга узоқ-узоқ термулди.

— Мен отамнинг кейинчалик оқланганини билдим, — дейди адиба куюниб. — Лекин ҳужжатларни кўздан кечираётиб, жуда кўп исм-шарифларни учратдим. Деярли ҳаммалари отам каби йигит ёшида отиб юборилган. Суратларига боқиб юрак-бағрим ёнди...

Ўнта, йигирмата, ўттизта...

Агар бир бошдан ёзиб чиқилса, бу рўйхат янада узаяверади.

Холида Аҳророва отаси — истиқлол курашчиси Саид Аҳрорийнинг ўлими билан боғлиқ тафсилотларни ўрганаётиб, эрк йўлида қурбон бўлганларнинг номларини аниқлади, тўплаб асар ёзди. Унга қадар анча-мунча қийналди.

«Тонг отиши билан архивлар томон шошиламан, кечқурун у ердан қайтаман. Худди ишга бориб келгандек... Кун бўйи юрагимни қийнаган изтироблар тундаям давом этади. Шаҳид кетганларнинг суратлари ҳужжатлар ичидан чиқиб келиб, худди мен билан сўзлашаётгандек, «бизнинг гуноҳимиз не эди» дея мени сўроққа тутаётгандек бўлаверади!» дейди адиба.

Кўз ўнгимизда йиллар асрларга туташиб, қатағон даври ҳикояларини бизга сўзлайди. Архив маълумотларида келтирилишича, 1930-33 йилларда 40 минг деҳқон хўжалиги қулоқ қилинди, 31700 киши аҳоли кам яшайдиган Кавказ, Украина, Сибирдаги махсус посёлкаларга жўнатилди. Кўплаб камбағал ва ўртаҳоллар эса қулоқ қилинган бойларнинг қўмагида Эронга (1073 нафар), Афғонистонга (1218 нафар), Хитойга (40 нафар) муҳожирликка юборилди. 1932 йилда Ўзбекистоннинг 54 та туманидан 22505 киши сургун қилинган. Улар орасида эркаклар, аёллар ва болалар бор эди. 1917 йилнинг декабридан то 1939 йилга қадар 450 минг киши устидан жиноий ишлар қўзғатилди. «Катта қатағон даври» аталган 1937-38 йилларда эса жуда кўп кишилар қисқа муддатда қамалиб жазо олдилар. Кўплари орадан анча йиллар ўтганидан сўнггина оқланишди...

«Изларини излайман» китобини ўқиётиб, қароқларимга ёш тўлади. Бир вақтлар мактаб парталари ёнида тик туриб озодлик учун қон тўккан ўғлонларни «босмачилар» деб атаганмиз. Ўзимизнинг ўтмиш қолиб, ўзгалар тарихини ўргандик. Ўз миллий қаҳрамонларимизни эмас, ўзга халқлар ичидан чиққан «довюрак»ларни мақтадик. Ватан озодлиги нима эканини анча кеч англадик. Истиқлол фидойилари ҳақидаги ҳикояларни энди-энди эшитиб, хотираларимизга муҳрлаяпмиз. Биз билмаган, исмларини эшитмаган қаҳрамонлар эса ҳали жуда-жуда кўп...

«Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни асло енгиб бўлмайди, — деган эдилар муҳтарам Президентимиз. — Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур».

Бу тарих вақтлар ўтгани сайин бизга ўз сирларини очаётир. Унинг саҳифалари бугунги ҳур-озод кунларимиз учун курашганларнинг қонлари билан бўялган...

«Истиқлол йўлида ёш жонини фидо қилган юртдошларимиз бедарак кетмасин. Кунимиздан бир лаҳза қолса-да уларни излайлик, марҳумлар олдидаги бурчимизни ўтаб улгурайлик».

Бу — Холида Аҳророванинг қалб даъвати.

Отасининг «изларини излаб», шу йўлда неча юзлаб қатағон қурбонларининг ҳам тақдиридан бохабар бўлган адиба оғир йиллар изтиробларини юрак чизиқларидан ўтказган, сарғайган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ўзи ҳам худдики ўша даврларда яшаган...

Машъум қатағон йиллари хотиралари бизга ҳозирги озод кунларни янада кўпроқ авайлаб-асрашни ўргатади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Иқтисодиёт ва ҳаёт

ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ КЕНГАЯДИ

Темир йўлларда юк ташиш, тушириш, жойлаштириш ҳақида гап кетса, албатта, кўз олдимизга биринчи галда Тошкент товар станцияси келади. Бундан юз йиллар аввал ташкил этилган станция темир йўлларда йирик миқдордаги халқ хўжалиги учун саноат ва озиқ-овқат юкларини ташиб келтиришга ихтисослашган, яқин-яқинларгача юк тушириш ва уни сақлаш ҳамда эгаларига етказиб бериш борасида республика товар станциялари орасида етакчи эди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирларига келгач, универсал йирик тоннали контейнерда юк ташила бошланди. Бунинг учун эса ихтисослашган товар станциялари зарур эди. Натижада Тошкентда бир эмас, иккита станция қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чуқурсой ва Сирғали товар станциялари йирик контейнерларни тушириш, асраш ва юк жўнатишга ихтисослашди. Тошкент товар станцияси ўрта тоннали (3 тоннали, 5 тоннали) контейнерлар ва усти ёпиқ ҳаракатдаги составлар билан шуғулланмоқда.

Мустақиллик йилларига келиб республикамизда темир йўлда юк ташиш миқдори бир неча ўн бараварга кўпайди. Бир томондан Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқ кўпайган бўлса, иккинчи томондан жанубий-шарқий Осиё давлатлари билан иқтисодий алоқалар кучайди. Кейинги йилларда кичик ҳажмли контейнерларда юк ташиш миқдори анча камайди. Зеро, чегарага яқин жойлардаги станцияларда фақат йирик ҳажмли контейнерларда келган юкни тушириб олиш ва жўнатиш қулай бўлганлиги учун бу усулда юк ташиш йилдан-йилга кенг тус олмоқда. Контейнерда юк ташиш йўналишлари географияси анча кенг бўлиб, мамлакатимиз бўйлаб, яқин ва узоқ хорижий давлатлар бўйича ҳам амалга оширилади. Яна бир жиҳати, контейнерларни автомобилда ҳам, темир йўл орқали, ҳатто сув транспортида ҳам ташиш мумкин.

Шу боис Тошкент станцияси кейинги йилларда бой берилган имкониятларини яна тиклашга ҳаракат қилмоқда. Энди корхонанинг юк майдонида йирик контейнерларни тушириб олиш — жўнатиш учун янги терминал очилди. Бу ерда **«Осиё транс терминал» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти** фаолият олиб бормоқда.

Контнейнерда юк ташиш бўйича пешқадам бўлиб турган «Ўзтемирйўлконтейнер» очиқ акциядорлик жамияти билан Россия Федерациясининг «Узоқ Шарқ транспорт гуруҳи» транспорт компанияси янги корхонанинг муассисларидир. Муассислар узлуксиз маблағ билан таъминлаб тургани учун кейинги йилларда корхонада катта ўзгаришлар амалга оширилди. Яқинда терминал иншоотининг биринчи навбати қурилиб ишга туширилди. Устига-устак 32 тонна юк кўтариш қувватига эга бўлган электр кўтарма кранини монтаж қилиш ишлари якунига етказилди. Контейнерларни тахлаш учун майдон, темир йўл коммуникациялари, автомобилларга мўлжалланган йўлакчалар, очиқ типдаги божхона омборлари ҳам бунёд этилди.

Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилганининг аҳамияти катта бўлмоқда. Биринчи навбатда икки мамлакат ўртасида турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаяпти. Қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Қолаверса, республикамизга хорижий инвесторлар маблағи жалб этилди. Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида бу соҳада соғлом рақобатнинг ривожланишига ҳам кенг йўллар очилади. Энг муҳими, бошқа темир йўл станциялари зиммасидаги вазифаларни енгиллаштиришда кўмаклашиб, мамлакатимиз пойтахти Тошкентга кўплаб контейнер юклари кириб келиши таъминланди. Терминал географик жиҳатдан шаҳарнинг қоқ марказида жойлашганлиги сабабли юкни қабул қилиб олувчилар учун товарни автомобилларда ташиб кетиш ҳам анча арзонга тушаяпти.

Айни пайтда терминалнинг иккинчи навбати қурилиши давом эттирилмоқда. Шу йил охиригача ёпиқ божхона омбори, контейнерларни сақлаш учун бетон билан қопланган майдонлар қурилиши якунланади. Бунинг натижасида ҳозир фойдаланилаётган майдонларга нисбатан уч баравар каттароқ жой юзага келади. Ричтейкер автоюклагичлари ва контейнер ташишга ихтисослаштирилган автомашиналарнинг сотиб олиниши яқин келажакда Тошкент шаҳридаги тегишли инфраструктурали энг йирик божхона терминали вужудга келаётганидан далолат беради.

«Осиё транс терминал» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти ходимлари юк қабул қилувчилар ва товар жўнатувчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаб бориб, контейнерларда юк ташиш жараёнида ўта талабчан мижозларнинг ҳам кўнглига йўл топа олади. Ана шунда мижоз ҳам ким билан ишлаш фойдалироқ эканлигини билиб олади. Хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, шу билан транспортга кетадиган харажатларнинг камайиши ўзбекистонлик тадбиркорларга маҳсулотни экспорт қилишни кўпайтириш борасида бундан буён ҳам бу соҳанинг тараққий этиб бориши учун катта ҳисса қўшади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Истиқлол бир қишлоқ тақдирида

«ЯНГИ ТУРМУШ»ДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган, яқин ва узоқ истиқбол ўз аксини топган дастурларга асосан мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Бухоро туманидаги чекка «Янги турмуш» қишлоғида ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг комил авлод бўлиб етишишига катта умидлар боғланди. Бунинг учун эса етарлича эътибор кўрсатилмоқда. Бугун қишлоқ марказида қад ростлаган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, қайта реконструкция қилинаётган мактаб фикримиз далилидир.

— Ёшим тўқсонга яқинлашяпти, — дейди кекса оқсоқоллардан бири Салим ота Саломов. — Илгари замонда бундай биноларни қишлоқда қуриш қайда эди. Энди-чи? Бугун ҳар беш оиладан биттаси пишиқ ғиштдан иморат қураяпти. Бу озодлик шарофати, Аллоҳ назари тушган юртнинг бахти эмасми?

Дарвоқе, Салим ота ҳамон кексаликни бўйнига олмай, ҳозирда асаларичилик билан шуғулланади. Даромад ҳам шунга яраша. Болаларига ҳунарли киши кам бўлмаслигини ҳар доим уқтиради. Ахир қишлоқ бой бўлса, юрт бойийди, халқ фаровон яшайди. Фермерларни айтмайсизми? Ҳозир бу ерда катта-кичик 127 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улардан «Фарангизбегим» фермер хўжалиги раҳбари Файзулла Халилов, «Жониқул-Саид» фермер хўжалиги раҳбари Саид Жониқуловлар ўзига тўқ, саховатли тадбиркорлардан. Улар қишлоқдаги ҳар бир хайрли ишга бош-қош.

— Бир ҳақиқатни айтай, — дейди Саид ака ҳаяжонини яшира олмай, — бугунги фермернинг, тадбиркорнинг суянадиган катта тоғи бор. У ҳам бўлса давлатимиздир! Биз учун тенгсиз шароитларни яратиб бераётган шу юртимиз ҳаққи, бугун ҳалол, чин дилдан ишлашимиз шарт.

Саид Жониқулов айни пайтда шахсий маблағи эвазига қишлоқда сутни қайта ишлайдиган кичик завод қураяпти. Яқин орада ишга тушириладиган мазкур корхонада кунига 2 тонна сут қайта ишланиб, 7 турдаги тайёр маҳсулот чиқарилади. Шу билан бирга 20 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланади.

Яна бир жиҳат. «Янги турмуш»да бугун қарийб 9 минг киши яшайди. Уларнинг орзу-умидлари, обрў-нуфузи шу эл-юрт билан узвий боғлиқ. Мустақиллик билан қарор топган маҳалла фуқаролар йиғинлари улар бошини қовуштиришда, одамларнинг Ватан деган тушунчани янада теранроқ англашларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ерда ҳам ана шундай масъулиятни ўз зиммасига олган «Туркон» маҳалласи борки, унга ХДП фаоли, халқ севган оқсоқол Бахтиёр Йўлдошев раҳбарлик қилади. Маҳаллада тўрт минг аҳоли яшайди. 850 та оиланинг ўз қувончи, ташвиши бор. Бундай қараганда, элнинг ташвиши енгил бўлмайди. Буни яхши англаган раис барчани эзгу ишларга даъват эта олади. Шу боис яқинда 5 та қишлоқда ичимлик сув муаммоси ҳал бўлди, тадбиркорлар кучи билан қишлоқда катта тўйхона қурилиши бошлаб юборилди.

— Бир пайтлар эсимда, 4-5 та қишлоқ оралиғида битта савдо дўкони бўларди. Унинг иш вақти ҳам чегараланганди. Уйга меҳмон келса, яйраб дам оладиган жой топилмасди. Бугун-чи? Ҳозир қишлоқларимизда ҳар қадамда дўкон, маиший хизмат расталари, оромгоҳлар бисёр. 12 та кичик корхонада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилятпи. Хуллас, мақтанадиган томонларимиз кўп, — дейди раис Бахтиёр Йўлдошев.

Ҳақ гап. «Янги турмуш»нинг бугунги жамолини кўрган киши яна шу ерга келсам, одамлари билан суҳбат қурсам дейди. Чунки ҳар қадамда бир ўзгариш, одамлари бадавлат ва саҳий, кунора тўй. Бу Истиқлол нақадар олий неъмат эканлигини чекка бир гўшанинг ёшу қариси аллақачон англаб етганидан далолатдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги 30 дан ортиқ мактабнинг спорт зали қайтадан қурилди. Айни пайтда туманда учта болалар спорт мажмуаси фаолият кўрсатмоқда. Бу эса болаларга спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Туман маркази — Бешработ қўрғонида яна бир спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

— Мазкур иншоотнинг Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилгани биз учун ажойиб совға бўлди, — дейди 1-мактаб ўқитувчиси Диёра Саъдуллаева. — Унда энди қишлоғимиз болалари билан бирга, мактабимизнинг 500 нафардан ортиқ ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам спорт билан шуғулланади.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

Банк ва мижоз

НАМУНАЛИ ХИЗМАТДАН ДЕҲҚОН ҲАМ, ЁШ ОИЛАЛАР ҲАМ МАНФААТДОР БЎЛАДИ

ДЕЙИШМОҚДА АТ «ПАХТА БАНК» ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ

Урганчлик Турғун Собиров «Пахта банк» акциядорлик-тижорат банки Хоразм вилоят бошқармаси хизматидан миннатдор. Негаки, бу ёш оила янги уй жиҳозлари ва маиший техника сотиб олиш учун маблағ топишда қийналиб турган пайтда банк ходимлари яқиндан ёрдам беришди. У маблағ сўраб банкка мурожаат қилган эди. Молия муассасаси ходимлари унга қисқа муддатда 2 млн. 400 минг сўм миқдорида истеъмол кредити ажратиб беришди. Бу кредит эвазига Турғун Собиров оиласи ўзимизда ишлаб чиқарилган мебель, совутгич, кондиционер ва телевизор сотиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан банк томонидан ёш оилаларга ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳозиргача банк томонидан 46 нафар ёш оилага 50 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити ажратилганлиги одамларнинг банкка бўлган ишончини янада оширмоқда. Шунингдек, йил бошидан буён 441 та оилага қорамол сотиб олиш учун 386 млн. сўмлик кредит ажратилди. Шундан 20 млн. сўми имтиёзли кредитлардир. Улар ҳисобига 1128 та қорамол сотиб олинган. АТ «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси ва унинг туман бўлимлари томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат дастурларини бажариш бўйича амалий чоралар кўриляпти.

Тошкентда ўтказилган «Агро-Минитех» кўргазмасида кичик ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатиш бўйича шартнома имзолаган мижозларнинг лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган жадвалга асосан ташкил этилиб, шу йилнинг 6 ойи мобайнида 9 та мижознинг 200 млн. сўмлик лойиҳаси тўлиқ молиялаштирилди. Маблағлар асосан нон ишлаб чиқариш цехи, пластик эшик-ромлар ишлаб чиқариш, салфетка ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш линиясини йўлга қўйиш учун йўналтирилди.

Хоразм вилоятига инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш дастури ижросини таъминлаш мақсадида 3 та лойиҳага 110 млн. сўмлик банк кредитлари ажратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 64 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аёлларга жорий йилнинг 6 ойи давомида 340 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Умуман АТ «Пахта банк» Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси мижозлар сонининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда янги корпоратив мижозларни жалб қилиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Чунончи 2007 йил бошида мижозлар сони 14930 нафарни ташкил этган бўлса, ўтган олти ойда улар сони 500 тага кўпайган.

«Пахта банк» мижозларининг катта қисми бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, жами қишлоқ хўжалиги корхоналари сони 10751 тани ташкил этмоқда.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил пахта ва ғалла ҳосилини молиялаштириш учун жами 7861 та фермер хўжаликларига 23376,7 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан пахта ҳосилини етиштириш учун 21 млрд. 529,0 млн. сўмлик ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 1 млрд. 847,7 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини кенгайтириш, уларни замонавий қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш мақсадида Хива филиалидаги «Султон Хўжа» (раҳбари Бахтиёр Отажонов), «Ражаббой Туркман» (раҳбари Қадам Отамуротов), «Санжарбек» (раҳбари Р.Жуманиёзов) фермер хўжаликларининг ҳар бирига 100 млн. сўмдан, Қоровул филиалидаги «Дўстлик» фермер хўжалигига 85 млн. сўм, жами 385 млн. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилиб, эвазига «CLAASS» Доминатор комбайнлари олиб берилди.

Бугунги кунда бошқарма ходимлари ҳар бир туман, қишлоқ, овул ёки маҳаллада банк мижозлари кўпайиб боришига эришмоқдалар. Бу борада кўплаб минибанклар ташкил этилганлиги жойларда «Пахта банк»нинг нуфузини янада оширишга ёрдам бераётир. Ҳозир жами 73 та минибанк самарали фаолият юритаётганлиги фикримиз далилидир. Улар янги ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мини банкларда жами 7932 та мижоз ўз ҳисоб рақамларини очган бўлса, шундан 7560 таси фермер хўжаликларидир. Мижозлар базасини кўпайтириш натижасида минибанкларнинг молиявий фаолияти кундан-кунга яхшиланиб бормоқда.

Минибанклардаги барча компьютерларга банк операцияларини амалга ошириш ва коммунал тўловларнинг барча турларини қабул қилиш бўйича махсус дастур ўрнатилган.

2007 йил 1 июль ҳолатига асосан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи 4987 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 4344 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари, 463 млн. сўми эса бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлардир. Ажратилган кредитлар самараси ўлароқ, кичик бизнес субъектлари томонидан 315 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 520 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда аҳолининг коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириши мақсадида барча бўлимларда коммунал тўловларни қабул қилиш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Айниқса, коммунал тўловларни истеъмолчиларнинг аризасига биноан иш ҳақидан, пластик карточкадан сўндириб борилиши йўлга қўйилганлиги ўзининг самарасини бераяпти.

Банк бўлимлари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишларда ҳам ижобий натижаларга эришилди. 2007 йил 1 июль ҳолатига кўра, омонатлар қолдиғи 4 млрд. 651,3 млн. сўмга етди. Омонатларга ўрнатилган режага нисбатан 392,3 млн. сўмга кўп маблағ жалб қилиниб, белгиланган режа 117,5 фоизга бажарилди.

Тўлов пластик карталаридан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисобкитоблар ҳажмини ўстириш, банкоматлар ва терминаллар сонини кўпайтириш борасида туман бўлимларида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, туман «Пахта банк» бўлимлари кассаларига ва нақд пул билан савдо қилувчи мижозларга жами 166 та терминаллар ўрнатилди. «Пахта банк»нинг туман филиаллари томонидан жами 45868 та пластик карточкалар тарқатилган.

Бошқарма бўлимлари республикамиздаги иқтисодий ўзгаришлар жараёнида асосий эътиборни иқтисодиётнинг агросаноат тизимига кирувчи корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратишган. Вилоят ғаллакорларининг йиллик давлатга дон сотиш режасини ортиғи билан бажаришда банк муассасасининг ҳам ҳиссаси борлигини айтиб ўтмоқ жоиз. Энди навбат — пахтакорларга. Бу борада «Пахта банк» Хоразм вилоят бошқармаси ходимлари ўз хизматларини аямайдилар.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Юртимизнинг турли гўшаларида бўлгани каби Самарқанд вилоятининг йирик иқтисодий салоҳиятга эга Самарқанд туманида ҳам мамлакатимиз мустақиллиги шодиёналарини катта бунёдкорлик ишлари билан кутиб олиш анъанага айланган.

Истиқлолимизнинг 16 йиллигига туҳфа сифатида туман маркази Хўжа Аҳрор Валий қўрғонида «Ёшлар мажмуи» қуриб фойдаланишга топширилди. Мажмуада никоҳдан ўтаётган ёш-келин куёвларга барча қулайликлар яратилган.

— Туманимиз бўйича 4 та янги мактаб биноси ўқувчилар ихтиёрига берилмоқда, — дейди туман ҳокими Баҳодир Саъдуллаев. — Куни кеча эса ишлаб чиқаришга ихтисослашган 6 та мини корхона ишга туширилди.

Тумандаги тоғли Миронқул қишлоғида барпо этилган 28-мактаб биноси шаҳарнинг замонавий мактабларидан асло қолишмайди. «Самарқандпластолимер», «Оригиналмакслюкс», «Самарқандинвестагро», «Самросагро» каби қўшма корхоналарда 400 дан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

Самарқанд туманининг бунёдкор халқи энг улуғ, энг азиз байрамни ана шундай кўтаринки шукуҳ билан кутиб олишмоқда.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ,
(муаллиф олган сурат)

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

Бош бухгалтер	Ҳисоб-китоб бўйича бухгалтер	Бухгалтер-иқтисодчи	Кадрлар бўлими бошлиғи	Электр механик
иш стажи — камида 10 йил; маош — 400 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 10 йил маош — 500 000 сўм.

Маълумот учун телефонлар: 187-17-11, 150-01-11, 57-29-74, 58-85-60.
Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: 150-01-11, 57-29-74.
E-mail: CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ

Капитал қурилиш бўйича директор ўринбосари	Инженер-механик	Инженер-энергетик	Электрик
— Қурилиш бўйича олий маълумотли; — Қурилишдаги иш стажи — камида 5 йил; — Раҳбарлик иш тажрибаси — камида 3 йил; — Ёши 30 дан 40 гача бўлиши лозим; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.	— Олий техник маълумотли; — Иш стажи — камида 10 йил; — Юк кўтариш механизмларни, гидравлик пресларни аъло билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши лозим; — Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.	— Олий маълумотли; — Мутахассислик бўйича иш стажи — камида 5 йил; — ГПК крани электр қисмларини, гидравлик пресларни аъло билиши; — Ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 300 000 сўмдан юқори.	— Урта махсус маълумотли; — Иш стажи — камида 5 йил; — Ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак; — Маош — 200 000 сўмгача.

Маълумотлар учун телефон: 187-17-11, 58-75-94, 58-75-96.
Номзодлар сўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: (99871) 150-01-11, 150-11-55.
E-mail: CHERMETGROUP@ POSTBOX. UZ

Акциядорлик-тижорат

«АЛОҚАБАНК»нинг

молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида

ХАБАРНОМА

09-ХАБАР

Умумий йиғилиш тури: навбатдан ташқари.

Умумий йиғилиш ўтказиш шакли: очиқ.

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: 2007 йил 20 август.

Умумий йиғилиш ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчасида жойлашган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносининг мажлислар зали.

Умумий йиғилиш кворуми: жами овоз берувчи акцияларнинг 79,51 фоизи ёки 61060690 та овоз.

Овозга қўйилган масалалар, улар бўйича берилган овозлар ва қабул қилинган қарорлар:

1. АТ «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

Ёқлаганлар – 61060690 та овоз, қаршилар – 0 та овоз, бетарафлар – 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 0 та овоз. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.

2. АТ «Алоқабанк» акциядорлари томонидан эълон қилинадиган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида.

Ёқлаганлар – 61060690 та овоз, қаршилар – 0 та овоз, бетарафлар – 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 0 та овоз. АТ «Алоқабанк» томонидан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 50000000000,0 (эллик миллиард) сўм ёки 500000000,0 (беш юз миллион) дона акциялар, шу жумладан:

— 49000000000,0 (қирқ тўққиз миллиард) сўми ёки 490000000,0 (тўрт юз тўқсон миллион) дона оддий акциялар,

— 1000000000,0 (бир миллиард) сўми ёки 10000000,0 (ўн миллион) дона имтиёзли акциялар миқдорида белгиланди.

3. АТ «Алоқабанк» Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва тасдиқлаш тўғрисида.

Ёқлаганлар – 61060690 та овоз, қаршилар – 0 та овоз, бетарафлар – 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 0 та овоз.

— АТ «Алоқабанк» акциядорлари умумий йиғилиши ваколатидаги банк устав капиталини кўпайтириш масалалари бўйича қарор қабул қилиш банк кузатув Кенгаши ваколатига ўтказилди.

— АТ «Алоқабанк» акциядорлари умумий йиғилиши ваколатидаги банк Уставига унинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бўйича қарор қабул қилиш банк кузатув Кенгаши ваколатига ўтказилди.

АВИАҚАТНОВЛАРДАГИ ЯНГИ ТАРТИБ

Европа Иттифоқи ва АҚШда террорчилик таҳдидлари муносабати билан жорий этилган суюқликларни ташиш бўйича қабул қилинган тартиб Россия авиайўналишларида ҳам қўлланила бошлади. Энди йўловчиларга ҳаво кемаси ичига оз миқдордаги сув, спиртли ичимлик ва атирни қопчаларга жойлаштирган ҳолда олиб чиқишга рухсат этилади. Кемага жами 1 литргача суюқликни олиб чиқиш мумкин. Дори-дармонлар, болалар овқати ва махсус парҳез маҳсулотлари чегараланмаган. Агар йўловчи махсус назоратдан ўтишдан ва янги қоидаларга риоя этишдан бўйин товласа, ҳаво кемасига қўйилмайди. Ортиқча суюқлик назорат ўтиш жойида мусодара этилади. Янги қоидалар ҳам ички, ҳам халқаро йўналишларда жорий этилган.

ҚОЧОҚЛАРНИ ТЎХТАТИШ УЧУН

КХДР шимолий кореялик қочоқлар оқимини тўхтатиб қолиш мақсадида Хитой билан чегарада тўсиқлар қуришга киришди. Чегара ўтадиган Ялуцзен дарёси ёқалаб тиканли симларни тортиш учун устунлар ўрнатилмоқда. Қочоқлар кўп ҳолларда кесиб ўтаётган чегаранинг ўн километрлик ҳудудида девор барпо этилаяпти. Шимолий Кореянинг Хитой билан чегараси бўйлаб кузатув камералари ишлаб турибди. Ўтган йили Хитой чегарадаги тўсиқлар қурилишини якунлаган эди. Шимолий Корея девори эса чегаранинг айнан шу участкасида параллел равишда қурилади. Шуни айтиш керакки, охирги ўн йилликларда ўн минглаб шимолий кореялик очликдан ва маъмурлар таъқибидан қутулиш учун мамлакатни тарк этган. Қочоқлар Хитой орқали Монголия ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларида паноҳ топишмоқда.

САККИЗ КИЛОГРАММ УРАННИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙИШДИ



Хитой маҳкамасида Хунань музофотидан бўлган тўрт киши устидан жиноий иш кўрилмоқда. Улар ядро қуроли ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган радиоктив уран моддаларини сотишга уринишда айбланмоқдалар. Тергов маълумотларига кўра, 2005 йил апрелидан 2007 йил январига қадар давр мобайнида судланаётганлар саккиз килограмм уран-235 ва уран-238ни сотиш билан шуғулланишган. Шуниси қизиқки, қўлга олинганларнинг ҳозиргача «моли» топилгани йўқ. Судланувчиларнинг сўзларига қараганда, мижоз қидириб юрган чоғларида улар уранни йўқотиб қўйишган экан.

СУВ ТОШҚИНИ ҚУРБОНЛАРИ

АҚШнинг Ўрта Ғарбида ёққан ёмғирлардан сўнг дарёлар тошиши натижасида одамлар ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлишди. АР агентлигининг маълумотларига кўра, 26 киши қурбон бўлган. Огайо губернатори Тед Стрикленд штатнинг тўққизта округ ҳудудида фавқулодда ҳолатни жорий этган. Тинимсиз ёғаётган ёмғирлардан Иллинойс, Индиана, Айова, Мичиган, Миннисота, Небраска, Огайо, Жанубий Дакота ва Висконсин штатлари талафот кўрмоқда. Табиий офатдан кўрилган зарар бир неча ўнлаб миллион доллардан ошиши мумкин.

УНИВЕРСИТЕТГА ПИЁДА БОРМОҚЧИ



Хитойнинг Ухань университетига қабул қилинганини эшитган Не Вэньди биринчи ўқиш куни университетга пиёда бормоқчи. Ажабланарлиси шундаки, унинг Суйчжоу шаҳридаги уйидан университетгача бўлган масофа уч юз километрни ташкил қилади.

Хабарларга қараганда, Суйчжоудан Уханьга автобусда иккиуч соатда етиб олиш мумкин. Н.Вэньдининг эса ўн икки кун пиёда юришига тўғри келади. Унинг сўзларига кўра, бундай саёҳат жисмонан чиниқтириб, ўқишга рағбатни оширар экан.

Rimdagi kolizey maydoni

«Интернет» манбалари асосида тайёрланди.

ШАРҚ МУСИҚАСИ:

КЕЧА ВА БУГУН

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали давом этмоқда.

«Афросиёб-палас» меҳмонхонасида мазкур фестиваль доирасида «Шарқ мусиқасида замонавий жараёнлар» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлардан келган санъатшунос олимлар, хонанда ва бастакорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзбек миллий мусиқа санъати довруғини янада ошириш, халқаро миқёсдаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида сўз борди. Миллий мусиқамизнинг жаҳонаро шуҳратининг янада юксалишида, турли миллатлар, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти катта экани таъкидланди.

— Ушбу мусиқа фестивали ташкил этилганидан буён ҳар бир анжуман доирасида Шарқ мумтоз мусиқа санъатининг тарихи ва тараққиёти, бугунги ҳолати муҳокамасига бағишланган илмий анжуман ўтказиш анъанага айланиб қолган, — деди Республика маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов. — Шу пайтгача миллий чолғу асбоблари, мақом йўналишлари, Шарқ ва Ғарб мумтоз мусиқаси тарихи ва уларнинг ўзаро таъсири, «Шашмақом» анъаналари каби мавзуларда конференциялар ўтказилган бўлса, бу галги анжуман анъанавий, мумтоз мусиқа ва қўшиқлар ижрочилигига бағишланди.

Семинарда фестиваль халқаро ҳайъати раиси, Хитой консерваторияси раиси Дин Тиелин, ҳайъат аъзолари, бельгиялик Сабина Дюк, эронлик Фозил Жамшидий ва бошқалар «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро фестивалининг юксак савияда ташкил этилгани ва ушбу йирик санъат анжумани Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналарига уланиб кетгани ўзига хос уйғунлик касб этганини таъкидладилар.

— Бу ерга дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан санъаткорлар, хонандаю созандалар, мутахассислар ташриф буюрган, — деди Дин Тиелин. — Гарчи бир-бирларининг тилига тушунишмаса-да, уларнинг барчасини санъат ва маданият бирлаштириб туради. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқларининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шундай нуфузли анжуманда ҳайъат раиси бўлганим қалбимда чексиз ҳаяжон ва фахр туйғуларини уйғотди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев ва Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расуловнинг ўзбек миллий мусиқасига оид мастер-класс — «Шашмақом» сабоқлари» машғулотлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Шарқ халқлари мусиқа санъати тарихи ва бугунги тараққиёти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Воҳид ЛУҚМОН,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари



КУЙ-ҚЎШИҚ, ҲАЙРАТ...

Қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи билан уйғун ҳолда бошланган «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали ҳар галгиданда кўтаринки кайфиятда давом этмоқда. Ушбу нуфузли анжуманда дунёнинг 50 дан зиёд давлатидан 300 нафардан ортиқ санъат намояндалари иштирок этаётир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусиқа байрамига илк бор Канада, Кения, Литва, Словакия, Судан, Тунис каби мамлакатлардан ҳам санъаткорлар келишган. Бу эса «Шарқ тароналари»нинг мавқеи, кўлами ва нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганлигидан далолат беради.



Миловас СТЕЛИОС, ижрочи (Греция):

— Самарқанд ҳақида кўп эшитганман. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида иштирок этиш учун келиб, бу қадим шаҳар ҳар қандай эътирофга сазовор эканлигига амин бўлдим. Тарихий ёдгорликлари, замонавий иншоотлари, тароватли кўчалари ва айниқса, одамлари мени ҳайратда қолдирди. Регистондаги саҳнада куй-қўшиқ ижро этиш — кишига ўзгача бир завқ бағишлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фестиваль халқлар ўртасидаги дўстликни, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эрденебат БАҲТАР, «Олтин уруғ» халқ рақс труппаси раҳбари (Монголия):

— Бу ерга келиб, халқларимиз ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни учратдим. Самарқандга ростдан ҳам Аллоҳ назари тушган экан. Худди мўъжизалар маконига ўхшаркан. Айниқса, Оқсарой қароргоҳи, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Улуғбек расадхонаси бизда катта таассурот қолдирди. Шаҳар марказидаги «Сиёб деҳқон бозори»ни айланар эканмиз, у ердаги сархил мевалар ва Самарқанд нонлари ҳайратимизни янада оширди.

Фестивалнинг асосий саҳнаси жойлашган Регистон майдонидаги табиий ва тарихий уйғунлик эса ҳар бир ижрочи қалбини ажиб бир завққа тўлдириши турган гап. Очиғини айтсам, жуда хурсандман. Чунки «Шарқ тароналари» фестивалида қатнашиш билан бирга Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тантаналарини кўриш бахтига муяссар бўлдим. Бу жуда катта тарихий ҳодиса ҳисобланади. Бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Тарихий Регистон майдонида бошланган «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларининг чиқишлари «Сўғдиёна», «Темирйўл», Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғларига ҳам кўчди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: фестиваль тантаналаридан лавҳалар.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

Байрам туҳфаси

Норин туманининг Шаҳидмозор қишлоғи собиқ тузум даврида эътибордан четда бўлиб, аҳолиси оғир шароитларда кун кечирарди.

ЯНГИ МАКТАБ

Қишлоқнинг ривожланишдан орқада қолганини мактабга бўлган муносабатдан ҳам билиш мумкин эди. Қирқ йилча аввал дала шийпони сифатида қурилган бино мослаштирилиб, мактабга айлантирилди. Бу орада муаллимлар ҳашар йўли билан гуваладан қўшимча синф хоналари қуришди. Болалар ана шундай шарт-шароитда таҳсил олишарди.

Мустақилликнинг бунёдкор насими Наманганнинг чекка-чекка гўшалари қатори Шаҳидмозорни ҳам четлаб ўтмади. Янги мактаб учун лойиҳа тайёрланди, 1,5 гектар ер ажратилди. Қурилиш бошлангандан буён қишлоқ аҳли қурувчилар атрофида туну кун парвона. Икки қаватли алоҳида спорт зали ва бошқа қулайликларга эга замонавий бинода айни кунларда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Туманнинг 21,42-мактабларида қурилиш- таъмирлаш ишларини юқори сифат билан бажарган «Намангансувқурилиш» МЧЖга қарашли 1-механизациялашган кўчма шўъба корхонаси қурувчилари объектдаги барча ишларни поёнига етказиш арафасида. Янги мактаб қишлоқ ёшларига муносиб байрам совғаси бўлади, албатта.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ



NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ ДАСТУРИ

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ёш оилаларни имтиёзли шартларда ипотека ва истеъмол кредитлари билан таъминламоқда.

Миллий банкнинг мамлакат барча ҳудудларидаги бўлимларида маслаҳат бериш телефонлари ишлаб турибди:

Тошкент ш. — (371)144-35-69; 144-95-56
Вилоят бўлимлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: (361) 780-00-06
Андижон вилояти: (374) 224-69-37
Бухоро вилояти: (365) 223-69-57
Жиззах вилояти: (372) 222-38-26
Қашқадарё вилояти: (375) 221-15-22; 221-01-08
Навоий вилояти: (436) 227-85-15
Наманган вилояти: (369) 226-23-85
Самарқанд вилояти: (366) 233-38-79
Сурхондарё вилояти: (37622) 2-84-21
Сирдарё вилояти: (3672) 25-06-22
Тошкент вилояти: (371) 152-77-19
Фарғона вилояти: (373) 224-85-24
Хоразм вилояти: (362) 226-26-44; 224-22-43

МИЛЛИЙ БАНК БИЛАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ!

Интер-спорт

ШАРАПОВА ҚИЗИЛ КЎЙЛАК КИЙМОҚЧИ

Россиялик таниқли теннисчи Мария Шарапова АҚШ очиқ чемпионати ғолиби деган номни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўраётир. Қизиғи шундаки, у оқшомда уюштириладиган учрашув пайтида 600 тадан кўпроқ шаффоф шишачалар билан безатилган кўйлак кияр экан.

— Мен илгари қизил кўйлак кийишни хуш кўрмасдим, — дейди Шарапова. — Бундай кийинишимга Нью-Йорк шаҳрининг кўриниши илҳом берди. Чунки бу шаҳарни қизил олмага қиёслашади. Ўйлайманки, кўйлагим ҳам бундай кўринишга уйғунлашиб кетади. Мусобақа ҳақида гапирадиган бўлсам, рақибим ким бўлиши мени қизиқтирмайди. Теннисда муҳими, спортчи ўз асабларини бошқариши керак, деб ўйлайман.

ЭКС-ЧЕМПИОН ЖАНГГА КЕЛМАДИ

Биринчи оғир вазн(90,7 килограммли)даги собиқ мутлақ жаҳон чемпиони ямайкалик боксчи О'Нил Белл кўпол қилиб айтганда, «қовун туширди». Чунки у Луис Азилле билан бўладиган навбатдаги жангга келмаган ва келмаслиги сабабини ҳам айтмаган. Чемпионнинг иш юритувчилари раҳбари Леон Маргулес боксчининг бедарак кетиши қимматга тушганлигини баён қилмоқда. Чунки бу учрашувни Американинг «ESPN» спорт телеканали олиб кўрсатишни режалаштирилган эди. Қизиғи шундаки, Белл учрашув бўладиган 8 август куни Леонга қўнғироқ қилгану изсиз йўқолган. Нима бўлганда ҳам барча йўналишлар бўйича ғалаба қозониб, мутлақ чемпионликка эришган бу боксчи қолдирилган ана шу учрашувда IBF йўналиши бўйича чемпионлик белбоғини ҳимоя қилиши керак эди. Чунки у шу йилнинг 17 март куни Белл Мормеку билан ўтказилган матч-реванш да ютқазиб, WBC ва WBA йўналишлари бўйича чемпионликни бой берганди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси республика автомобиль транспорти соҳасининг фидойи раҳбар ходими, меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси

Жавлон ШОРАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda